

“БУДДО ТАЪЛИМОТИ”НИНГ МАНБАЪЛАРИ

Қисқармалар: ДН-Дигха Никая
 МН-Мадджхима Никая
 СН-Самютта Никая
 АН-Ангуттара Никая

Б У Д Д О

<i>Бўлим</i>	<i>Бет</i>	<i>Қатор</i>	<i>Манбаъ</i>
1-боб			
1	2	1	Ҳар хил сутталар
	5	1	Ан 3-38, Сукхумаласуттаси
	5	10	МН 3-26, Арияпарие- есана суттаси
	6	1	Ҳар хил сутралар
	7	1	МН-9-85, Будҳиража- кумара суттаси
	7	9	Ҳар хил сутралар
	7	19	Сутта-нипата 3-2, Падҳана-сутта
	7	24	Ҳар хил сутралар
	8	12	Виная, Маҳавагга 1
	9	12	ДН 16, Маҳапариниббана суттаси
2	10	16	ДН 16, Маҳапариниббана суттаси
	11	10	Париниббана суттаси
	13	18	ДН 16, Маҳапариниббана суттаси
2-боб			
1	15	1	Амитаюр-дхъяна ва Вималакирти- нирдеша сутралари

<i>Бўлим</i>	<i>Бет</i>	<i>Қатор</i>	<i>Манбаъ</i>
	15	6	Шурамгама-сутраси
	15	12	Вималакирти-нирдеша ва Маҳапаринирвана сутралари
	16	6	16-Саддҳармапундарика -сутраси
	17	1	Маҳаяна-жатака- читтабхумипарикша сутраси
	17	14	Маҳапаринирвана-сутраси
2	19	1	3-Саддҳармапундарика-сутраси
	20	1	4-Саддҳармапундарика-сутраси
	21	12	5-Саддҳармапундарика-сутраси
3	22	13	16-Саддҳармапундарика-сутраси
3-боб			
1	25	1	5-Аватамсака-сутраси
	26	4	Маҳапаринирвана-сутраси
	26	9	Аватамсака-сутраси
	26	17	3-Суварнапрабҳасўт-тамаража -сутраси
2	29	15	Аватамсака-сутраси
	29	12	Аватамсака-сутра 34, Гандавьёҳа
	29	16	Кичик Сукҳавативьёҳа-сутраси
	29	22	Аватамсака-сутраси
	30	8	СН 35-5
	30	12	Маҳапаринирвана-сутраси
3	32	11	МН 8-77, Маҳасакулуда-йи- сутраси

<i>Бўлим</i>	<i>Бет</i>	<i>Қатор</i>	<i>Манбаъ</i>
	33	9	Маҳапаринирвана-сутраси
	33	20	Ланкаватара-сутраси
	34	5	32-Аватасака-сутраси
	34	19	25-Саддҳармапундарика-сутраси
	35	1	Маҳапаринирвана-сутраси
	35	15	2-Саддҳармапундарика-сутраси
	35	21	2-Саддҳармапундарика-сутраси

ДҲАРМА

1-боб

1	38	1	Виная, Маҳавагга 1-6 ва СН 56-11-12, Дҳаммачакраправартана-суттаси
	39	16	103-Итивуттака-суттаси
	40	5	МН 2, Саббасава-суттаси
	40	12	18-бобнинг 42-сутраси
	41	4	Шрималадевисимҳанада-сутраси
3	42	23	Аватамсака-сутраси 22, Дашабҳумика

2- боб

1	46	1	МН 4-35, Чуласаччака суттаси
	48	9	АН 5-49, Ража-Мунда-суттаси
	48	19	АН 4-185, Самана-суттаси
	49	4	АН 3-134, Уппада-суттаси
2	49	10	Оанкаватара-сутраси
	49	13	2-Аватамсака-сутраси

<i>Бўлим</i>	<i>Бет</i>	<i>Қатор</i>	<i>Маябаъ</i>
	50	1	16-Аватамсака-сутраси
	50	10	Аватамсака-сутраси 22, Дашабхумика
	51	1	Ланкаватара-сутраси
	51	7	АН 4-186, Уммагга-суттаси
	51	11	1, 2, 17, 18-Дхаммапада
	52	1	СН 2-1-6, Камада суттаси
3	52	13	16-Аватамсака-сутраси
	52	20	Ланкаватара-сутраси
	53	13	МН 3-22, Алагаддупама-суттаси
	54	10	Ланкаватара-сутраси
	54	14	Ланкаватара-сутраси
4	57	7	Виная, Маҳавагга 1-6
	58	1	Ланкаватара-сутраси
	58	8	СН 35-200, Дарукхандҳа-суттаси
	58	15	Ланкаватара-сутраси ва бошқалар
	59	6	МН 2-18, Мадхупиндика-суттаси
	59	23	Ланкаватара-сутраси
	60	13	Ланкаватара-сутраси
	61	9	Вималакирти-нирдеша-сутраси
	63	13	Аватамсака-сутраси 34, Гандавьюҳа
	63	20	Ланкаватара-сутраси ва бошқалар
3-боб			
1	65	1	Виная, Маҳавагга 1-5
	66	1	Виная, Чулавагга 5-21

<i>Бўлим</i>	<i>Бет</i>	<i>Қатор</i>	<i>Манбаъ</i>
2	66	8	Шурамгама-сутраси
	71	6	Шурамгама-сутраси
	73	6	Маҳапаринирвана-сутраси
	73	14	7-Саддҳармапундарика-сутраси ва Шурамгама-сутраси
	74	5	32-Аватамсака-сутраси
	74	9	Маҳапаринирвана-сутраси
	74	14	Брахмажала-сутраси
	75	1	Маҳапаринирвана-сутраси
	75	21	Маҳапаринирвана-сутраси
3			
4-боб.			
1	81	1	Шрималадевисимҳанада -сутраси
	82	1	АН 2-11
	82	11	93-Итивуттака
	82	18	Виная, Маҳавагга
	83	3	АН 3-68, Аннатиттҳика-суттаси
	83	17	АН 3-34, Алавака-суттаси
	84	10	Вайпиля-сутраси
	84	18	Виная, Маҳавагга 1-6, Дҳаммачакраправартана-суттаси
	84	22	МН 2-14, Чуладукхандҳа -суттаси
	85	10	Маҳапаринирвана-сутраси
	86	13	24-Итивуттака
2	88	8	МН 6-51, Кандарака-суттанта

<i>Бўлим</i>	<i>Бет</i>	<i>Қатор</i>	<i>Манбаъ</i>
	89	2	АН 3-130
	89	18	АН 3-113
3	90	6	100-Интивуттака
	90	19	Самьюктаратнапитака-сутраси
	91	20	Маҳапаринирвана-сутраси
	93	9	АН-3-62
	94	1	АН 3-35, Девадута-суттаси
	95	1	Тҳеригатҳа Аттҳакатҳа
	96	4	Сукҳавативьюҳа-сутраси, 2-жилд
5-боб.			
1	102	1	Сукҳавативьюҳа-сутраси, 1-жилд
	105	17	Сукҳавативьюҳа-сутраси, 2-жилд
	107	5	Амитаюр-дхьяна-сутраси
2	110	15	Кичик Сукҳавативьюҳа-сутраси

КАМОЛОТ КАСБ ЭТИШ

1-боб.			
1	116	1	МН 2, Саббасава-суттаси
	117	20	МН 3-26, Арияпариесана-суттаси
	118	10	СН 35-206, Чҳапана-суттаси
	119	11	42-боб, 41-2-сутра
	121	21	МН 2-19, Дведҳавитакка -суттаси
	122	17	Дҳаммапада Аттҳакатҳа
2	123	14	АН 3-117

<i>Бұлим</i>	<i>Бет</i>	<i>Қатор</i>	<i>Маябаъ</i>
	124	5	МН 3-21, Какачупама-суттаси
	127	5	МН 3-23, Ваммика-суттаси
	128	15	Жатака ІУ-497, Матанга-жатака
	132	4	42-боб, 9-сутра
	132	14	42-боб, 11-сутра
	133	6	42-боб, 13-сутра
	134	5	АН2-4, Самачиитта-сутта
2	134	20	Самьуктаратнапитака-сутраси
	144	24	Махапаринирвана-сутраси
	145	21	Самьуктаратнапитака-сутра
2-боб.			
1	150	1	МН 7-63, Чуламалункья-суттанта
	152	8	МН 3-29, Махасарұпама-суттаси
	154	1	Махамая-суттаси
	154	11	Тхерагатха Аттхакатха
	156	7	МН 3-28, Махахаттхипалұпама -суттаси
	156	24	Махапаринирвана-сутраси
	157	10	Аваданапатака-сутраси
	158	22	Махапаринирвана-сутраси
	160	12	Панчавимшати-сахасрикапрадж- няпарамита-сутраси
	161	21	Аватамсака-сутра 34, Гандавьюха
2	163	14	АН 3-88

<i>Бўлим</i>	<i>Бет</i>	<i>Қатор</i>	<i>Манбаъ</i>
	164	11	АН 3-81
	164	18	АН 3-82
	165	13	Париниббана-суттаси, 2- жилд
	166	11	МН 14-141, Саччавибҳанга-суттаси
	167	18	Париниббана-суттаси, 2-жилд
	168	11	АН 5-16, Вала-суттаси
	168	18	6-Аватамсака-сутраси
	169	18	Маҳапаринирвана-сутраси
	170	2	Самьуктаратнапитака-сутраси
	170	20	26-Суварнапрабҳаса-сутраси
	171	13	Маҳапаринирвана-сутраси
	172	14	Тҳерагатҳа Аттҳакатҳа
	173	10	Жатака 55, Панчавудҳа-жатака
	174	12	39-ва 40-Итивуттака
	174	24	Маҳапаринирвана-сутраси
	175	4	Маҳапаринирвана-сутраси
	175	8	АН 5-12
	175	11	Париниббана-суттаси
	175	25	Шурамгама-сутраси
3	176	24	СН 55-21 ва 22, Маҳанама -суттаси
	177	18	АН 5-32, Чунди-суттаси
	178	1	Вималакирти-нирдеша-сутраси
	178	14	Шурамгама-сутраси
	178	21	Сукхавативьюҳа-сутраси, 2-жилд

<i>Бўлим</i>	<i>Бет</i>	<i>Қатор</i>	<i>Манбаъ</i>
	179	8	СН 1-4-6
	179	10	33-Аватамсака-сутраси
	180	7	24-Аватамсака-сутраси
	180	17	4-Суварнапрабҳаса-сутраси
	181	8	Амитаюр-дхъяна-сутраси
	181	11	Сукҳавативьюҳа-сутраси
	181	15	Маҳапаринирвана-сутраси
	182	12	МН 2-16, Четўхила-суттаси
	183	5	Сукҳавативьюҳа-сутраси, 2-жилд
4	184	1	Дҳаммапада
	192	1	СН 1-6-59
	192	14	АН
	192	17	Маҳапаринирвана-сутраси

Б И Р О Д А Р Л И К

1 боб.

1	194	1	100-Итивуттака ва МН 1-3, Дҳаммадаяда-суттаси
	194	5	92-Итивуттака
	195	1	Виная, Маҳавагга 1-30
	195	19	МН 4-39, Маҳа-асапура-суттаси
	197	7	МН 4-40, Чула-ассапура-суттаси
	198	6	10-Саддҳармапундарика-сутраси
	198	10	10-Саддҳармапундарика-сутраси
	199	1	14-Саддҳармапундарика-сутраси

<i>Бўлим</i>	<i>Бет</i>	<i>Қатор</i>	<i>Манбаъ</i>
2	200	9	СН 55-37, Маҳанама-суттаси
	201	1	АН 3-75
	201	9	СН 55-37, Маҳанама-суттаси
	201	14	СН 55-54, Гилаянам-суттаси
	201	20	22-Аватамсака-сутраси
	203	10	Маҳапаринирвана-сутраси
	206	4	7-Аватамсака-сутраси
	209	2	Маҳамая-сутраси
	210	1	21-Аватамсака-сутраси
	210	21	Маҳапаринирвана-сутраси
2-боб.			
1	212	1	ДН 31, Сингалўвада-суттаси
	217	20	АН 2-4, Самачитта-суттаси
	218	12	АН 3-31
	218	18	Жатака 417, Каччани-жатака
	220	18	ДН 31, Сингалўвада-суттаси
	221	4	1-Дҳаммапада Аттҳакатҳа
	222	13	АН 4-197
2	223	6	АН 5-333, Уггаҳа-суттаси
	224	1	(Бирмача талқин)
	224	20	АН 7-59, Сужата-суттаси
	226	16	ДН 16, Маҳапариниббана-суттаси
	227	19	Срималадевисимҳанада-сутраси
	230	1	ДН 16, Маҳапариниббана-суттаси
3	231	4	Аватамсака-сутра 34, Гандавьюҳа
	232	10	12-Суварнапрабҳаса-сутраси

<i>Будим</i>	<i>Бет</i>	<i>Қатор</i>	<i>Манбаъ</i>
	233	12	Бўддхисаттва-гучарўпая висаявикурвана-нирдеша-сута
3-боб.			
1	240	1	Маҳапаринирвана-сутраси
	241	20	АН 3-118, Сўчейан-суттаси
	243	12	СН
	244	7	Виная, Маҳавагга 10-1 ва 2
	244	17	ДН 16, Маҳапариниббана -суттаси
	246	1	Виная, Маҳавагга 10-1 ва 2
2	248	12	СН
	249	9	Чуинкиў-сутраси
	249	15	Вималакирти-нирдеша-сутраси
	251	1	Маҳапаринирвана-сутраси
	251	19	Кичик сукҳавативьюҳа -сутраси
	252	3	Сукҳавативьюҳа-сутраси
	252	15	Виламакирти-нирдеша-сутраси
3	253	1	1-Дҳаммапада Аттҳакатҳа
	253	8	АН 34-2
	254	10	Дҳаммапада Аттҳакатҳа
	255	5	АН 5-1
	255	10	10-Сарвастивада-сангҳаведакавасту
	256	4	МН 9-86, Ангулимала-суттаси
	257	4	АН 26

ИЛЮВА

БУДДИЗМНИНГ ҚИСҚАЧА ТАРИХИ

1. ҲИНДИСТОН

Марказий Ҳиндистонда чарақлаган “Осиё чароғи”нинг пайдо бўлиши инсониятнинг маънавий ҳаётидаги улкан аҳамиятга молик улугвор воқеалардан биридир. Ёхуд, бошқача қилиб айтганда кўп асрлар давомида ва бизнинг кунларимизда ҳам осийликлар дилини озиқлантириб келатган улуг Ақл-идрок, Меҳр-шафқат ва Ҳамдардлик манбаъининг вужудга келиши бўлди.

Буддо Гаутама (Буддо таълимоти издошлари кейинчалик унга Шакьямуни деб ном беришади, бу — “Шакья қабиласидан чиққан донишманд” дегани) қадрдон уйини тарк этади, гадойлик қилувчи роҳибга айланади ва жанубда Магадҳа деган жойда буддхи дарахтининг остида дили равшанликка эришади. Тахмин қилишларича бу чамаси, эрамиздан аввалги 5-асрда бўлган эди. Ўша вақтдан то “Улуг улим” гача, яъни Нирвана (мутлоқ хотиржамлик ва фароғатга киргунча, 45 йил Ақл-идрок, Меҳру-шафқат ва ҳамдардлик ҳақидаги таълимотни хормай толмай тарғиб қилишни давом эттирди. Оқибатда, Марказий Ҳиндистондаги давлат ва турли туман қабилалар орасида эътиқоднинг йирик таянчлари яратилди.

Маурья сулоласининг учинчи шоҳи Ашўка (эрамиздан аввалги 268-232 йилларда ҳукмронлик қилган) замонасида Буддо Гаутама таълимоти бутун ҳиндистон бўйлаб таралди ва ҳатто мамлакат ташқарисида ҳам қулоқ ёза бошлади.

Маурья сулоласи Ҳиндистонда бутун мамлакатни бирлаштирган дастлабки сулола эди. Унинг асосчиси шоҳ Чандрагупта (эрамиздан аввалги 316-293 йилларда ҳукмронлик қилган) даврида маурьялар мулки шимолда Ҳимолайгача, шарқда Бангол кўрфазигача, ғарбда Ҳиндикуш тоғларигача ва жанубда Виндхья тоғларигача етиб борди. Шоҳ Ашўка бўлса унга Калинга жанубий давлатини қўшиб, Декан ясси тоғликларигача кенгайтирди.

Бу шоҳ ўзининг раҳмсизлиги билан машҳур бўлган, одамлар унга Чандашўка, яъни “даҳшатли Ашўка” деб ном беришган эди. Аммо Калининга забт этиш чоғида лашкари қилган вайронагарчилик унинг феъл атворини кескин ўзгартирди, натижада, у Ақл-идрок, Меҳру-шафқат ва Ҳамдардлик ҳақидаги таълимотни оташин мухлисига айланди. Шундан бошлаб у Буддонинг издоши сифатида кўп яхши ишлар қилди, аммо улар ичида энг йириги қўйидаги икки ишдир.

Уларнинг биринчиси — Ашўка битиклари деганидир. Ашўка ўз тасарруфидаги ҳамма жойга тош устунлар қўйди, уларга мамлакатда Буддо таълимоти бўйича иш кўриши чекиб ёзилган эди. Бу хил битиклар тарошланган қояларга ҳам битилган эди. Иккинчи иши — Буддонинг Ақл-идрок, Меҳру-шафқат ва Ҳамдардлик борасидаги таълимотини бутун Ҳиндистон бўйлаб кенг ёйди. Ва бундан ташқари, ўз элчиларини бу таълимот билан бошқа кўп мамлакатларга сафарбар қилди. Ўз элчиларини Сурия, Миср, Кеврон ва Макидония ва Эпир каби олис мамлакатларга ҳам жўнатканлиги диққатга сазовордир. Улар Буддизмни узоқ ғарбга тарқатдилар. Айниқса, Тамрапарни ёхуд Цейлонга элчи қилиб юборилган Махендра “гузал таълимот”ни гузал орол Ланкадвипада муваффақиятли илдиз оттирди. Зеро, оролда жанубий мамлакатларда таълимотни тарғиб қилиш таянчига асос солинди.

2. МАҲАЯНАНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

Анча кейинги даврдаги Буддо мухлислари “Буддизм шарққа силжиди” дея тез-тез гапирардилар, лекин бизнинг эрагача Буддизм ғарбга юз бурган эди. У таҳминан эрамиз бошларидан шарққа ўтирилди. Бироқ аввал Буддизмда рўй берган катта ўзгариш хусусида сўзлаб ўтмоқ жоиз. Бу “Махаяна” ёхуд “каттакон чарх” деб аталмиш янги тулқиннинг туғилишидир, у Буддизмда яққолроқ кўзга ташлана бошлади.

“Янги тўлқин” ахир қачон тугилди? Қандай тугилди? Ва у ким томонидан яратилди? Унинг қандай тугилганлиги ҳақида ҳеч ким аниқ бир нарса айта олмайди. Биз фақат айта оламизки, биринчидан, у маҳасанг хийларнинг илк Буддо мактаби асосида ўша замоннинг илгор роҳиблари томонидан яратилди, иккинчидан, эрамыздан аввалги иккинчи ва биринчи асрлари ва эрамызнинг биринчи асрдияёқ Маҳаянанинг энг муҳим сутралари мавжуд эди. Бу сутралар асосида Нагаржуннинг фаол фалсафий фаолияти авж олган пайтда, МаҳаянаБуддо дини тарихи саҳнасига чиқди.

Буддизмнинг узоқ тарихида Маҳаяна гоят муҳим роль ўйнади. Хитой ва Японияда Буддизм бутун тарихи давомида мана шу йўналиш таъсири остида ривожланди. Бунинг асло ажабланадиган жойи йўқ. Чунки Маҳаяна халқнинг халос этишнинг янги юксак ғоясини кўтариб чиққан эди. Янги ғояни рўёбга чиқариш учун унда янги авлиёлар-буддхисатвалар майдонга келтирилди. Уларни қўллаб ў қувватлаш йўлида Маҳаяна мутафаккирлари метафизика ва психология соҳасида йирик ақлий ютуқларни қўлга киритадилар. Натижада, Буддо Гаутама томонидан асос солинган шажарани давом эттириб, Ақл-идрок ва Ҳамдардлик ҳақидаги таълимотга янги унсурлар киргиздилар. Бу туфайли Буддизм янада жозибалашди ва фаоллашди. Суви тўла дарё каби шарқ мамлакатларини суғора бошлади.

3. МАРКАЗИЙ ОСИЁ

Хитойлар Буддизм билан дастлаб Марказий Осиё орқали танишдилар. Шунинг учун Буддизмнинг Ҳиндистондан Хитойга борган йўли ҳақида гапирганда, даставвал, Ипак йўлини тилга олиб ўтиш керак. Ў Марказий Осиёнинг саҳролари орқали ғарб билан шарқни туташтирувчи савдо йўли сифатида тахминан эрамиздан аввалги иккинчи аср охирида Хитойнинг Хом сулоқласидан император У-ди замонасида (эрамиздан аввалги 140-87 йилларда ҳукмронлик қилган) очилган. Ў замонлар ва Хитой ҳудуди ғарбга томон чўзилган эди. Хитой билан қўшни Фарғона, Сўғдиёна, Тоҳаристон ва Парфияда ҳам ҳамон Макидониялик Искандар вужудга келтирган илгарги савдо-сотиқ руҳи яшар эди. Ў мамлакатлар бўйлаб ўтган савдо йўлида энг муҳим товар Хитой ипаги ҳисобланар эди. Шунинг учун ҳам бу йўлни Ипак йўли деб атаганлар. Ҳиндистон билан Хитой ўртасида бошланган Буддизм соҳасидаги маданияй алоқалар ҳам ушбу йўл орқали амалга оширилган. Хулласи калом, Ипак йўли шундай йўл эдики, Буддизм ҳам шу йўлдан ўтди.

4. ХИТОЙ

Хитойда Буддизм тарихи Буддо қонунларини қўлга киритиш ва уларни таржима қилишдан бошланди. Қадим замонлардан буён кейинги Хон сулоласидан император Мин-ди қошида Юнпин даврида (эрамиздан аввалги 58-76 йиллар). Касяпамантанга ва бошқа роҳиблар томонидан илк дафъа “Ссу-ших-ер-чан-чин” (42-бобдаги сутра) олиб келиниб, хитой тилига таржима қилинган деб ҳисоблайдилар. Бироқ замонавий олимларнинг фикрича, бу шубҳали ривоятдир. Улар бу ишни Ань Ши-гао Лоянада эрамизнинг 148 дан 171 йиллари орасида бажарилганлигини исбот қилдилар. Ўшандан буён Шимолий Сун сулоласи (эрамизнинг 960-1129 йиллари) императорлари ҳукмронлигигача, тахминан минг йил орасида буддо ақидаларини таржима қилиш иши давом этди.

Дастлабки вақтларда сутраларни Хитойга асосан роҳиблар Марказий Осиёдан келтирганлар, уларни хитой тилига таржима қилишда ҳам уларнинг ўзи асосий роль ўйнади. Масалан, Ань Ши-гао Хитойга Парфиядан келган эди. Учинчи асрда Луянга келган ва “Сукхавативьюха” сутраси (Абадий ҳаёт ҳақидаги сутра)нинг таржимони Кан Сэн-кай Самарқанд туманидан эди. “Саддхармапундарика” сутрасининг мутаржими сифатида машҳур бўлган Чу Фа-ху ёхуд Дҳармаракша Тохаристондан келади ва 3-асрнинг охири ва 4-асрнинг бошигача Луян, Чанъанда яша-ган. 5-аср бошида эса Кучадан Кумаражива келганда, Хитойда буддо ақидаларини таржима қилиш ўз чўққиларининг бирига кўтарилган эди.

Тахминан шу вақтдан бошлаб Хитой роҳиблари санскрит тилини ўрганиш учун Ҳиндистонга қатнай бошладилар. Уларнинг биринчиси Фа-сянь (339-420) эди. У Ҳиндистонга Чанъандан 399 йилда жўнади. Ва 15 йилдан сўнг қайтди. Улар машҳури Сюань-цзуан (600-664й.) эди. У Ҳиндистонга 627 йилда жўнади ва Хитойга 19 йилдан сўнг 645 йилда қайтди. И-цзин (635-713 й.) эса Ҳиндистонга денгиз орқали жўнади ва 25 йил ўтиб Хитойга яна денгиз орқали қайтди.

Улар Ҳиндистонда санскритни ўргандилар ва сутралардан сайлаб олиб, Хитойга қайтдилар, бу ерда уларни хитой тилига таржима қилишда уларнинг ўзи марказий ролни ўйнайдилар. Тилни билишда Сюаньцзуан алоҳида қобилият кўрсатди. Унинг толмас фаолияти туфайли Хитойда буддо қонунларини таржима қилиш иши яна бир чўққисига чиқди. Камаражива ва бошқа роҳиблар томонидан Сюань-цзуангача қилинган таржималарни олимлар “эски таржималар”, Сюань-цзуандан кейинги таржималарни “янги таржималар” деб атайдилар.

Ақидалар адабиётининг бу бой таржима материалига асосланган хитой роҳибларининг фалсафий ва диний фаолияти аста-секин хитойлаштириш тенденциясига айланиб борди. Бу миллий характер, миллий

эхтиёж ва унинг узига ишончининг яққол кўриниши эди. Бу борада ушбу далил шохидлик берадики, хитой роҳиблари дастлабки вақтларда хусусан Пражня сутраларида айтилган метафизикага оид “бўшлиқ” концепциясига рағбат кўрсатадилар. Уларнинг тез орада Хинаяна ёхуд Ки-чик чархдан юз угириб, фақат биргина Махаяна ёхуд Каттакон чархга қизиқа бошлашлари бунинг далилидир. Бу тенденция Тяньтай (японча номи Дзэн) мазҳабида равнақ топди.

Хитойда Тяньтай 6-асрнинг иккинчи ярмида учинчи бош руҳоний Чжи-и (538-597й.), яъни улуг устоз сифатида машхур Тяньтай (японча Тэндай Дайси) даврида шаклланди. У хитойча буддо маслагининг атоқли арбобларидан бири эди. Унинг беш фасл ва саккиз бобдан ташкил топган Буддо таълимоти таснифи на фақат Хитойда, балки Японияда ҳам узоқ замонлар давомида буддизмнинг ривожига қаттиқ таъсир кўрсатди.

Хитойга сутралар, пайдо булиш вақтидан қатъий назар, келтирилди ва дарҳол хитой тилига таржима қилинди. Ақидалар адабиётидан бой материал йиғилгач, сутраларнинг келиб чиқиши ва қадр-қиммати ҳақида уйлаб кўриш, қайта баҳолаш зарурати тугилди. Буддизмга нисбатан хусусий қарашларни ишлаб чиқишга тўғри келдики, тиоки уларда яхлит буддизмни хусусий тушуниш акс этсин ва шунингдек, бу хил қарашларга асос бўладиган йўналишлар белгилаб берилсин. Бу Чжи-и ва бошқа буддо мутафаккирлари таснифини келтириб чиқаради, аввало, улар хитой фалсафаси ишининг натижаси эди. Улар орасида Чжи-ининг таснифи бир мунча тартибли ва хийла ишончли эди. Бироқ қачонки буддизмни замонавий тадқиқи этиш бошлангач, у ўзининг ҳукмрон таъсирини йўқотди.

Хитой буддизми тарихида Чань (японча номи Дзэн) мазҳаби “сўнгги ютуқ” бўлди. Чет эллик воиз Будҳидҳарма унинг асосчиси эди (528 й.). У эккан уруғлар фақат олтинчи бош рухоний Хуэй-нэн (638-7137й.) дан сунггина чиройли гуллар берди. 8- асрдан кейин бу мазҳаб дунёга бутун бир атоқли арбоблар авлодини етказдики, буларнинг фаолияти туфайли у қатор юз йилликлар давомида гуллаб яшнади.

Айтиш мумкинки, буддо маслагининг янги тараққиёти ўзининг чуқур илдизлари билан хитой халқининг миллий характериға бориб тақалади. Бу буддизмнинг хитой фалсафий тафаккури орқали инъикос этишдан бошқа нарса эмас эди. Буддо Гаутаманинг янги оқим қўшилган дарёси яна-да тўлди, у ўзининг мўл-кўл сувлари билан Хитойдаги нари шарқда ястанган мамлакатларни ҳам озиқлантира бошлади.

5. ЯПОНИЯ

Японияда буддизм тарихи 6-асрдан бошланди. Пэкче давлатининг шоҳи 538 йилда япон императори Киммэйга Буддо ҳайкалчаси ва буддо сутраларининг ўрамини тортиқ қилиб чопар жўнатади. Буддизм Японияга шу тариқа келди. Ўшандан буён 1400 йилдан зиёд вақт ўтибдики, у Японияда мавжуд.

Буддизмнинг бу узоқ тарихида жуда муҳим уч босқични таъкидлай оламиз.

Биринчи босқич 7- ва 8-асрларга, яъни Хурю-дзи (607й.) ибодатхонаси қурилишидан то Тудай-дзи (752й.) ибодатхонаси қурилишигача бўлган даврга тўғри келади. Бу даврни шарҳлаш учун, бутун Осиёни қамраб олган одатдан ташқари маданий юксалиш тўлқининг назардан соқит қилмаслик керак. Бу даврда гарб цивилизацияси ҳали қоронғуликда эди, шарқ цивилизацияси эса ниҳоятда фаол ривожланиб

ва кенгайиб борар эди. Хитойда ҳам, Марказий Осиё, Ҳиндистонда ҳам ва бошқа жанубий мамлакатларда ақлий, диний ва бадий фаолият актив ривожланди. Буддизм инсоний фаолиятининг бу барча турларини қўшди ва инсонпарварликнинг қудратли тўлқини бўлиб Шарқ оламини ювиб тозалай бошлади. Японияда бу даврда бутун маданият равнақи гузал Хўрю-дзи ва улугвор Тудай-дзи ибодатхоналари қурилишида, шунингдек, бу эҳромлар теварагида авж олган кўп ёқлама диний ва бадий фаолият кўринишида намоён бўлади, бу ҳам бутун Осиёни қоплаган ва ниҳоят, унинг энг шарқий четигача етиб борган қудратли тўлқиннинг таъсири остида юз берди.

Бу вақтгача цивилизациялашмаган аҳволдаги Японияда маданият бир йўла гуллаб-яшнади. Ўша замонда айнан буддизм халқаро маданият ташувчи бўлиб олға қадам ташлади. Бинобарин, буддо эҳромлари цивилизациялашган халқаро маданиятнинг марказлари, роҳиблар эса янги илғор фикр ташувчилар бўлди. Сутралар энг яхши фикр сандиги эди. Улар ўзида шунчаки динни эмас, балки кўпроқ кенг ва улуг маданиятни мужассамлаштирди, Японияга келибоқ, буддизм дарҳол катта роль уйнай бошлаган эди.

Ҳадемай, 9-аср япон буддизмининг ўзидаги дастлабки мазҳабларни асослаган икки буюк буддизм арбоби-Сайтё (767-822й.) ва Кукай (774-835 й.)ни берди. Бу даврдаги буддизм Хэйан буддизми деб аталади. Ўша замонда буддизмни бекорчи зодагонларнинг машғулоти деб қараш урф эди. Аммо бу икки арбоб буддизмнинг моҳияти дилни камол топдиришда деб, ўз фаолиятини шаҳардан тоққа кўчирдилар ва у ерда камолга етказувчи азиз жойлар қурдилар. Ўша вақтдан буён 300 йилдан зиёд уларнинг Тэндай ва Сингун мазҳаблари император сарпойи қошида ва зодагонлар орасида равнақ топди.

Иккинчи босқич 12 ва 13-асрларга тўғри келади. Бу даврда Хунэн (1133-1212й.), Синран (1173-1262й.), Дуген (1200-1253й.), Нитирэн (1222-1282й.) каби ва бошқа япон буддизми арбобларининг актив фаолияти кенг қулоқ ёзди. Ҳатто бугун, мамлакатимиздаги буддизм хусусида гапирар эканмиз, бу номларни эсламай ўта олмаймиз. Нега энди айни шу давр Японияга шунча кўп атоқли буддизм арбобларни етказиб берди? Чунки, биринчидан, улар олдида ягона умумий вазифа турар эди. Бу қандай вазифа эди? Айтиш мумкинки, бу — буддизмни японча ўзлаштиришдир.

Буддизм Японияга анча илгари келган деб, бизга эътироз билдиришлари мумкин. Тарихий далили сифатида бу ҳаммаси тўғри. Зеро, бирон-бир мамлакат халқининг маданиятни қабул қилиб, қайта ишлаб, унга қўшиб ва уни ўзлаштиргунча, бир неча юз йилликлар талаб этилади. Яъни Японияда 7-8-асрларда қабул қилинган буддизм, ниҳоят, 12-ва 13-асрларда гуллаб яшнади. Бу, албатта, атоқли буддо арбобларининг ижоди эди.

Шундан буён япон буддизми ушбу атоқли Буддо издошлари томонидан яратиб қўйилган заминда ривожланмоқда. Бизнинг кунларимизда ҳам давом этмоқда. Бошқача айтганда, ўшандан буён япон буддизмида булак бундай юксалиш бўлмади. Илло, бизга бундан кейин ҳам япон буддизми тарихида, ҳар ҳолда, эътиборга лойиқ воқеалар бордек туюлади. Бу дастлабки буддизмни ўрганиш соҳасида замонавий олимлар рўёбга чиқарган ютуқлардир.

Бизнинг мамлакатимизда буддизм келган кунданоқ хитой буддизми таъсири остидадир. Бу, деярли, фақат бир Маҳаянача эътиқоддир. Айниқса, 12-ва 13-асрлардаги атоқли арбоблардан сўнг барча мазҳаблар Маҳаянадан мерос олдилар. У ҳолда дастлабки буддизмни тадқиқ қилиш Мейдзи даврининг ўрталаридан сўнг, яъни ўтган асрнинг охиридан бош-

ланди. Бу тадқиқотлар натижаси ўлароқ, мазҳаблар асосчиларидан ташқари, буддизм асосчиси ҳам борлигини унутган одамларнинг рўбарўсида Буддо Гаутаманинг ёрқин сиймоси гавдаланади. Маҳаянадан бошқа ҳеч кимни билмайдиган кишилар ўнгида Буддонинг батартиб таълимоти намоён бўлди. Бу тадқиқотлар ҳозирча соф илмий бўлиб, ҳали-ҳозирча янги диний рағбат турдиргани йўқ., аммо улар, ҳеч бўлмаганда, японларнинг буддизм ҳақидаги билимларини янгилашда катто роль ўйнайди. Биз буни япон буддизми тараққиёти тарихидаги учинчи муҳим давр деб ҳисоблаймиз.

БУДДО ТАЪЛИМОТИНИНГ ТАРАЛИШ ТАРИХИ

Буддизм — Шакъямуни 45 йил давомида ўқиган панд-насихатлар асосида яратилган диндир. Шунинг учун буддизмда Шакъямуни хикматлари рад қилиб бўлмас обрў-эътиборга молик. Буддизмда 84 минг ўғит бўлса ҳам, у кўплаб мазҳабларга бўлинса Зам, уларнинг биронтаси Шакъямуни панд-насихатларидан чекинмайди. Панд-насихатлар ёзма шаклда “Иддэцин” ва “Дадацзин” (японча “Иссайкё” ва “Дайдзукё”) номли тўпламларга тартиб берилган.

Шакъямуни ўз панд-насихатларида барча одамларнинг тенглиги ҳақида таълим беради. У ҳар бир кишига тушунарли содда тилда сўзлаган. Ўз умрининг сўнгги кунларигача, токи 80 ёшида ўлмагунча, иложи борича кўпроқ кишини халос этиш учун ваъз айтишни бетўхтов давом эттирди.

Шакъямуни ўлимдан сўнг, шогирдлари ўз устозидан қандай эшитган бўлса, унинг таълимотини шундайлигича тарғиб қилдилар. Аммо шогирдлар таълимотни тарғиб қилишди. Янглишишлари ёхуд устознинг айтганларини нотўғри эслаб қолган юлишлари ҳам мумкин. Шакъямуни хикматлари ахир доим аниқликда берилиши зарур.

Шундай қилиш керакки, Буддо ўғитлари барча кейинги наслларга хатосиз етказиш учун оқсоқоллар йиғилганлар ва бутун ўғитларни тартибга келтира бошлаганлар. Бу анжуман “кэцудзо” деган ном билан маълум. Унга кўплаб кекса роҳиблар йиғилган. Хар бири ўз устозидан бевосита эшитган ўғитларни баён қилган. Хато йўқми деб, ўғитлар батафсил таҳлил қилинган, текширилган. Бу иш бир неча ойга чўзилган. Келажак авлодларга тўғри етказиш учун, оқсоқоллар Шакъямуни ўғитларига нисбатан қандай эҳтиром ва қандай жиддийлик билан муносабатда бўлганларига бу шохидлик беради. Тартибга келтирилган суҳбат

ва ҳикматлар ёзма шаклда тарқалган, кейинчалик уларга машҳур буддо арбоблари ўз шарҳларини илова қилганлар. Уларни “муҳокамалар” деб юритадилар. Буддо ҳикматлари, бу муҳокамалар ва буддо жамоасининг Типитаку ёки “уч сават”ни ташкил этади. “Уч сават” — бу Сутта-питака ёки “Сутралар савати”, Виная-питака ёки “интизом савати” ва Абхидҳарма-питака ёки “Муҳокамалар савати.”

Ривоятларга кўра буддизм Хитойга эрамизнинг 67-йилида Кейинги Хан сулоласидан император Мин-ди ҳукмдорлик вақтда келди, лекин биринчи сутра бундан 84 йил ўтгач, 151 йилда уша сулоладан император Хуан-ди даврида хитой тилига таржима қилинган. Ўшандан буён буддо ақидавий адабиётини таржима қилиш 1700 йилдан кўпроқ вақт давом этди. Таржима қилинган сутралар миқдори 5586 жилдаги 1440тага етди. Вэй сулоласидан бошлабқ буддо ақидаларини бир жойда сақлаш тараддудида бўлинган. Лекин нашр этиш Шимолий Суна давридан бошланган. Ўшандан буён хитойлик буддо арбобларининг асарларини ҳам буддо ақидаларига қўшадиган бўдилар. “Типитака” номи мазмунга монанд келмай қолади, натижада, Суй сулоласи замонасида ақидалар тўплами “Ицеззин” (японча “Иссайкё”), Тан сулоласи замонасида эса “Дапанцзин” (японча “Дайдзүкё”) деб қайта номланади.

Буддизм Тибетга 7-асрда кириб келди. 9-дан то 11-асргача тахминан 150 йил буддо ақидаларини тибет тилларига таржима қилиш давом этди. Бу муддат ичида қарийб барча ақидалар таржима қилинди.

Бундан ташқари, Буддо суҳбат ва ҳикматлари на фақат корейс, япон, цейлон, камбоджа, турк ва бошқа шарқ тилларига, балки, лотин, фараанг, инглиз, немис ва итальян каби Европа тилларига ҳам таржима

қилинди. Зеро, муболагасиз айтиш мумкинки, эндиликда Буддо таълимоти бутун дунё буйлаб таралди. Бироқ унинг мазмунига келсак, буддизм икки минг йилдан зиёд тарихга эга бўлиши, ақидалар тўплами ўн минг жилддан ошишига қарамай, эътиқод-иқроримизга таянч бўлиб қизмат қиладиган ақидалар тўплами “Дайдзүкё”нинг тўла таржимаси бўлишига қарамай, ҳар тугул, Буддо хикматларининг асил маъносини англаш душвор. Шунинг учун “Дайдзүкё”дан энг муҳим уринларни танлаб олиш зарурати туғилди, улар эътиқод-иқроримизга таянч бўлиб хизмат қилгай.

Шакъямуни хикматлари буддизмда шак-шубҳасиз обрў-эътиборга молик. Демак, унинг таълимоти турмушимиз билан ниҳоятда тигиз боғланган бўлиши керак, бизга ниҳоятда яқин бўлиши керак. Акс ҳолда, 10 минг жилдди ақидалар қалбимизни қўзғай олмаслиги мумкин. Зеро, унинг таълимотини китиоб холида, содда шаклда умумлаштириш зарур, токи уни ҳамиша қўлга олиш имкони бўлсин. Мазмуни катта бўлмаса ҳам, бир ёқламалиқдан қисилмасин, бутун бой буддо ақидаларини қамраб олсин. У аниқ ва ҳар бир кишига тушунарли содда сўзлашув тилида ёзилган бўлиши керак.

Ушбу китоб ана шундай ҳалоллик ва катта ният билан ёзилди. У икки минг йилдан кўпроқ замондан буён ўзининг лиммо-лим сувлари билан оқаётган “Дацацзин”нинг қудратли оқимидан тўлдириб материал олди ва Шакъямуни таълимоти денгизидан туғилди. Алтга, у мукаммал эмас. Шакъямуни ҳикматлари мазмунан беўлчов чуқурдир, унинг эзгу аъмоллари чексиздио, зеро, уларни ҳеч ким баҳолай олмайди. Умид қиламизки, китоб нашрдан нашрга тузатиб борилади ва ниҳоят, нисбатан муфассал ва ҳақиқатга яқин ҳолга келади, шундай бўлиши ҳам керак.

БУ “БУДДО ТАЪЛИМОТИ”НИНГ КЕЛИВ ЧИҚИШ ТАРИХИ

Ушбу “Буддо таълимоти” китоби 1925 йилда “Буддо таълимоти янги таржимаси”ни ёйиш жамияти томонидан Муан Кидзу раҳбарлигида чоп этилган “Буддо таълимоти янги таржимаси”нинг қайта кўрилган ва янгитдан тузилган нашридир.

“Буддо таълимоти янги таржимаси”нинг биринчи наشري профессорлар Сюаку Ямабэ ва Тидээк Аканума томонидан кўплаб буддо олимлари ҳамкорлигида тузилиб, бунга беш йилга яқин вақт кетган эди.

Буддизмни тарғиб қилиш жамияти даставвал Муан Кидзуга, шунингдек, ушбу биринчи наشري тузишда иштирок этган барча олимларга чуқур миннатдорчилик билдиради.

1926 йилдан бошланган Шува даврида “Буддо таълимоти янги таржимаси”ни ёйиш жамияти бутун мамлакатга тарқалган “Буддо таълимотининг оммабоп наشري”ни чоп этди. Японияда Буддо ёшлари бутун Бахри Муҳит конгресси бўлган 1934 йилнинг июлида ундан хотира тадбирларининг бири сифатида Буддо ёшлари Бутун япон федерацияси “Буддо таълимоти оммабоп таржимаси “нинг Е. Горддard ёрдамида “Буддо таълимоти” номли инглизча нусхасини босиб чиқарди.

Буддизмнинг Америкага келиши 70 йиллиги муносабати билан 1962 йилда Мицутуё ширкатининг асосчиси Эхан Нумата “Буддо таълимоти”нинг инглизча наشرينи чиқарди. Нумата маблағидан Буддизмни тарғиб қилиш жамиятига асос солинган 1965 йилда жамият бу “Буддо таълимоти”ни бутун дунёга тарқатишга қарор қилди.

Бу қарорга мувофиқ 1966 йилда “Буддо таълимоти”ни қайта кўриб чиқиш ва қайта тузиш бўйича комиссия тузилди. Комиссия таркибига Кадзуюё Кинү, Сюю Кансүка, Дзэннү Исигами, Синку Саэки, Кудү Мацунами, Сёдзюи Бүндү ва Такэми Такасэ кирди. Уларга Фумиү Масута-ни, Н. А. Вадделл, Түсисукэ Симидзу ва бошқа олимлар кўмак бердилар.

Шу тариқа “Буддо таълимоти”нинг тўла равишда қайта кўрилган нусха-сининг инглизча таржимаси аслият билан ёнма-ён ёруғликка чиқарилди.

“Таълимот”даги камчиликларни тўлдириш мақсадида 1972 йили Сюю Канаўка, Дээннў Исигами, Сёю Ханаяма, Кансэй Тамура ва Такэми Такасэ уни қайта кўриб чиқдилар ва “Буддо таълимоти”ни инглиз тилида нашр этдилар.

1973 йилда “Буддо таълимоти”ни японча матни тўлалигича кўриб чиқилди, унда кўплаб имловий ғализликлар бор эди, тузатилиб, “Буддо таълимоти”нинг японча янги наشري чоп этилди.

1974 йилда Кудў Мацунами, Сёдэюн Бандў, Синкў Саэки, Дўю Тукунага, Кансэй Тамура ва Сёю Ханаяна таржимасидаги ноаниқ сўз ва ибораларни тузатиш мақсадида “Буддо таълимоти”нинг инглизча матни Р. Стейнер ёрдамида тўла қайта кўриб чиқилди ва илгари нашр этилган японча матни билан бирга чиқарилди. Шундай қилиб, “Буддо таълимоти”нинг аслиятга монанд инглизча матни пайдо бўлди. 1978 ва 1980 йилларда Синрўку Инўуэ киритган иловалар юзасидан юқорида айтилган муҳаррирлар ва яна Сигёў Камата, Ясуаки Нара иштирокида қисман кўриб чиқилди. 1981 йилда китобнинг яна-да тушунарли нусхасини яратиш мақсадида, уни Япония ва Америкадаги бир неча тўлиқ ўрта мактаб ўқувчисига ўқигани берилди. Улар томонидан тушунишга қийин деб кўрсатилган ўринлар кўриб чиқилди ва тузатилди. Шу йўсин “Буддо таълимоти”нинг қайта кўрилган аслиятга монанд инглизча матнининг наشري чиқарилди. Китобни қайта кўриш иши келгусида ҳам давом эттирилади.

“Буддо таълимоти”ни ўзбек тилига “Нихон” маданият марказий ёрдами билан Ўш Давлат дорилфунуни ўқитувчиси, Қирғизистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Қўлдош Мирзо таржима қилди.

1999 йил, декабрь.

МАВЗУ КЎРСАТКИЧИ

Ҳаёт

	<i>Бет</i>	<i>Ҳаҷор</i>
Ҳаёт мазмуни	5	10
Ҳаққоний олам	97	6
Бекам-кўст турмуш	249	16
Ҳаётга ҳато қараш	44	22
Ҳаёт ҳақида тўғри тасаввур.....	41	7
Бир ёқлама турмуш	57	5
Адашаётганлар учун (зарбулмасал)	127	5
Инсон турмуши (зарбулмасал)	90	19
Агар урмуш роҳат-фароғатларидан лаззат- ланса (зарублмасал)	90	5
Қария, бемор ва ўлик нимага ўргатади (тарих)	94	3
Ў лим муқаррар (тарих)	95	4
Бу дунёда эришиб бўлмайдиган беш нарсa	48	8
Бу дунёнинг тўрт ҳақиқати	48	21
Гумроҳликнинг ҳам, дили равшан-ликни ҳам дил туғдиради	49	11
Оддий одам амалга ошириши қийин, илло унинг учун катта қимматга эга бўлган 20 нарсa	133	6

Эътиқод

Эътиқод – бу олов	179	9
Эътиқоднинг уч йўналиши	180	18

	<i>Бет</i>	<i>Қатор</i>
Эътиқод ажойибдир	182	1
Эътиқод-самимий дилнинг кўринишидир ..	181	8
Кўрларга филни танимоқдек, ҳақиқатни топмоқ ҳам душвор (зарбулмасал)	75	1
Буддо табиати, эҳтимол, тўғри Буддо таълимоти орқали кўрсатилгандир (зарбулмасал)	77	11
Буддо табиати дунёвий эҳтирослар остида яширин	73	11
Гумон эътиқодга халал беради	182	12
Буддо — ота, одамлар — болалари	35	24
Буддо ақл-заковати уммондек кенг ва чуқур	34	10
Буддо дили улуг раҳмдиллик ва ҳамдардликка тўла	15	1
Буддо раҳмдиллиги ва ҳамдардлиги абадий	16	7
Буддо жисмоний вужудга эга эмас	13	1
Буддо бир умр ваъз айтди.....	23	15
Буддо одамларни халос этиш учун ўлимни кўрсатди	23	15
Буддо зарбулмасалларга таяниб, одамларни янглишувлардан соқит қилди	19	6
Дили равшанлик олами	20	1
Дили равшанлик олами	251	1
Буддо, Дҳарма ва Сангҳадан паноҳ исташ..	178	1
Ўғитларга риоя қилишга, дилни маромга солиш ва ақлий ҳаракатга қандай ўрга- ниш керак	163	14

	<i>Бет</i>	<i>Қатор</i>
Саккиз таркибли тўғри йўл	166	14
Дили равшанликка олти йўл	168	18
Тўрт тўғри ҳулқ	168	3
Тўрт тўғри қараш	167	19
Дили равшанликка эришиш учун беш қувват	168	10
Дилнинг чегарасиз тўрт аҳволи	171	12
Ҳаёт моҳиятини тушунганлар	39	15
Инсон ўлими ва инсон ҳаётининг бебақолиғи	12	23
Буддо номини такрорлаганлар унинг бахтиёр маконида туғилади	113	3
Ўзинг олов бўл-у, фақат ўзингга ўзинг умид боғла	10	18

Дилни камол топтириш

Ҳар бир киши ўзи учун асосий нарса нималигини билиши керак (зарбулмасал)	150	8
Биринчи қадамдан эҳтиёткор бўл	133	1
Нима ахтараётганингни унутма (зарбулмасал)	152	7
Бирон-бир бобда муваффақиятга эришиш учун кўп азоб чекиш керак (тарих)	158	22
Қанча йиқилсанг ҳам, янгитдан оёққа тур (тарих)	173	10
Вазиятлар дилнинг оромини бузишига йўл		

	<i>Бет</i>	<i>Қатор</i>
қўйма (тарих)	124	4
Ҳақиқат ахтарувчи қоронғу хонага олов билан кирган кишига ўхшайди	40	10
Турмушнинг ҳар соҳасидан инсон таълим олади (тарих)	161	21
Инсон хатти-ҳаракатларига одатда дил рахбарлик қилади	121	21
Таълимотдаги асосий нарсa ўз дилини камол топтиришдир	11	15
Энг аввал, ўз дилингни назоратга ол	212	1
Агар сен дилингни назоратга олсанг	122	1
Дилнинг ҳар турли аҳволи (зарбулмасал)	118	10
Дил ўз “мен”нинг эмас	46	14
Дил майлларига бўйинсунма	11	1
Дилинг майлларидан голиб кел	154	11
Ўз дилингнинг хўжайини бўл	11	22
Барча қабохатларнинг манбаъ-жисм, тил ва дил	87	1
Дил билан тилнинг ўзарo алоқаси	125	16
Жисм муваққатдир (тарих)	143	8
Жисм мурдорликка тўладир	130	24
Ҳеч нарсани қаттиқ хоҳлама	11	1
Жисм, тил ва дилни пок сақла	123	21

Ҳар бобда меъёрга риоя қилиб дилингни камол топдир (тарих)	172	14
---	-----	----

Изтироб

Азоб — уқубатни бирон нарсага гирифтор бўлгандил тугдиради	42	20
Азоб — уқубат қандай даф этилади	13	10
Гумроҳлик — бу дили равшанлик сари ўтишдир	59	16
Гумроҳликдан қандай озод бўлиш мумкин	116	1
Дунёвий эҳтирослар оловини ўчирганинг- да, дили равшанлик салқинини қўлга киритасан	141	24
Эҳтиросли истак янглишувлар сабабчиси- дир	85	11
Эҳтиросли истакни гуллар соясига яши- ринган заҳарли илон деб бил	85	14
Ёнаётган уйга кўнгил боғлама	19	20
Истак — хатолар сабабчиси	118	1
Ушбу олам олов қучоғида	82	17
Шон-шухрат ва бойлик орқасидан қувиб инсон ўзини куйдиради	119	11
Бойлик ва севги изидан тушиб, инсон ўзини ҳалокатга мубтало қилади.....	119	17

	<i>Бет</i>	<i>Қатор</i>
Оқил кишининг ва нодоннинг табиати	134	4
Нодон киши ўзининг кабоҳатларини пайқамайди (зарбулмасал)	141	4
Нодон кишилар фақат натижалар бўйича ҳукм чиқарадилар-да, бошқаларга ҳасад қиладилар (зарбулмасал)	141	8
Нодон кишиларга хос хусусиятлар (зарбулмасал)	147	3

Кундалик турмуш

Эҳсон қил-да, уни унут	169	22
Мол-мулксиз кишининг етти эҳсони	170	1
Қандай юй бўлиш мумкин (тарих)	145	21
Қандай бахтли бўлиш мумкин	132	19
Хушмуомалаликни ҳеч қачон унутма (тарих)	139	1
Инсоннинг ҳар турли феъл-атвори	89	4
Ким ўч олмоқчи бўлса, бахтсизликка дучор бўлади	132	4
Ранжу озорни қандай босиш мумкин (тарих)	246	9
Ўзгаларнинг танқидини кўнглингга яқин олма (тарих)	122	18
Инсон кийим-кечак, озиқ-овқат ва турар жой учун яшамайди	205	8

	<i>Бет</i>	<i>Қатор</i>
Либос ва таом лаззат учун эмас	116	20
Озиқ-овқатга нисбатан муносабат	208	6
Кийим-кечакка нисбатан муносабат	207	7
Уйқуга нисбатан муносабат	208	21
Иссиқлик ва совуқликка нисбатан муноса- бат	208	9
Кундалик турмушга нисбатан муносабат	206	11

Идора этиш

Салтанатнинг равнақи йўлида	230	1
Хукмдорнинг бурчи	233	23
Хукмдор, энг аввал, ўзини қўлга олиши керак	231	8
Идора қилишнинг маслағи халқ дилини камол топдиришдан иборатдир	232	10
Вазир ва мансабдорлар ўзини қандай тут- моғи керак	236	25
Жиноятчиларни қандай жазолаш керак	235	18
Таълимотнинг халққа мадади	232	1
Ижтимоитй курашни қандай босиш керак	238	21

Хужалик

Ашёлардан унумли фойдаланмоқ керак	221	9
Мол-мулк инсонга абадий берилган эмас	220	21
Мол-мулкни фақат ўзинг учун асрама	228	9
Қандай қилиб бой бўлиш мумкин (тарих) ..	145	21

Оила

Оила — унинг барча аъзолари дилларининг қўшилишпадиган жойдир	218	10
Оилани хонавайрон қиладиган омиллар	213	5
Ота-она олдида қарзни қандай тўлаш керак	218	3
Ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги муносабат	213	19
Эру хотин орасидаги муносабат	214	20
Эру хотин бир эътиқодга ихлос қилмоғи керак (тарих)	224	5

Аёл ҳаёти

Аёлларнинг тўрт хил тоифаси	222	12
Хотинларнинг тоифалари	225	5
Ёш хотин учун йўл-йўриқ (тарих)	224	21
Эрга теккан аёллар учун	223	5
Ёш ва гўзал аёллар учун	227	1
Эркак аёлга қандай муносабатда бўлиши керак	130	12
Бекам — кўст аёлнинг аджу паймон ва орзулари	228	1
Ёмон хотин	225	5

Роҳиблар йўли

Роҳибларча кийиниб, дуолар қисаёқ, роҳиб

	<i>Бет</i>	<i>Қатор</i>
эмас	197	11
Роҳиб эҳром ва ундаги ашёлар меросхўри		
эмас	194	1
Очкўз одам чинакам роҳиб бўла олмас	194	5
Роҳиб қандай турмуш кечирмоғи керак	196	6

Ҷамият

Ҷамиятнинг аҳамияти	241	13
Ҷамиятнинг ҳақиқий ҳолати	97	5
Ташкилотларнинг турлари	241	20
Чинакам ўртоқчилик	242	8
Зулматни ёритувчи чироқ	240	8
Тинчлик ва аҳиллик муносабатлари.....	243	1
Ҷамоада тинчлик ва аҳилликка қандай		
эришиш мумкин	244	8
Ҷамоанинг маслағи	243	2
Буддо издошларининг ижтимоий маслағи ..	251	1
Тартибни бузувчилар нобуд бўладилар		
(зарбулмасал)	140	7
Бошқаларга ҳасад қилиб жанжалла-		
шувчилар нобуд бўладилар (зарбулмасал)	140	7
Кеаларни ҳурматла (тарих)	134	18
Устоз билан шогирдлар орасидаги му-		
носабат.....	214	9
Дўстлик қоидалари	215	6
Яхши дўстларни қангдай танлаш керак	216	23

	<i>Бет</i>	<i>Қатор</i>
Хўжайин ва хизматкорлар орасидаги муносабат.....	215	18
Жиноятларга нисбатан муносабат	228	20
Устозлар учун	199	1

САНСКРИТЧА СЎЗЛИК

АНАТМАН (хусусий “мен”нинг йўқлиги)

Бу — буддизмнинг энг муҳим қоидаларидан бири. Дунёда ҳеч нарса барқарор моҳиятга эга эмас, яъни буддийлик бўйича дунёда абадий нарса йўқ.

АНИТЬЯ (барча мавжудотнинг беқарорлиги)

Бу ҳам буддизмнинг энг муҳим қоидаларидан бири. Бу қоидага кўра оламда барча нарса ўзгаради ва барқарор ҳеч нарса йўқ. Ҳар қандай тарих жонзот қачондир улиши керак, бундай келажак изтироб сабабчиси. Бироқ бу концепцияга нисбатан тушқин муносабатда бўлмаслик керак, яъни тараққиёт ва такрор ишлаб чиқариш ҳам доимий ўзгаришнинг натижасидир.

БЎДХИСТАВА (дили равшанликка интилган киши)

Гаутама Сиддхарта дастлаб, дили равшанлик ҳолатига эришгунча, шундай деб аталган. Махаяна пайдо бўлгандан кейин, дили равшанликка интилувчиларнинг ҳаммаси шундай аталадиган бўлган. Ва нихоят, ҳатто одамларни дили равшанликка етаклашга ҳаракат қилганларни ҳам, тирик жонзотларга нисбатан олий ҳамдардликка эга бўлганларни ҳам шундай деб атайдиган бўлганлар. Авалўкитешвара, Кипитигарбха ва Манжушри энг машхур будхисатвалардир.

БУДДО (Дили равшан)

Буддизмнинг асосчиси Гаутама Сиддхарта (Шакьямуни) ни дастлаб шундай деб атаганлар, яъни у тахминан 2500 йил муқаддам Хиндистонда 35 ёшида дили равшанлик ҳолатига эришган. Барча буддийларнинг пировард мақсади, мактаб ва йўналишидан каътий назар, Буддо ҳолда-

тига эришмоқдир. Бундай ҳолатга эришишдаги айрималар туфайли буддизм турли-туман мактаб ва мазҳабларга бўлинади. Махаянада, Буддодан ташқари, тарихий шахс сифатида, Амитабха, Махавайрұчана, Вайсажагуру каби бошқа кўплаб рамзий буддолар эътироф этилган. Бахтиёр макон концепцияси таъсирида (унга кўра ким бахтиёр маконда туғилса, Буддо бўлади), Японияда ўлганларни Буддолар ёхуд японча “Хутўке” дейдилар.

ДХАРМА (тўғри таълимот)

Бу таълимотни Дили равшан, яъни Буддо тарҳиб қилган. Буддо таълимотида уч йўналиш бор: Сутралар (айнан Буддонинг суҳбат ва хикматлари), Виная (Буддо томонидан киритилган интизом) ва Абхидҳарма (кейинги буддошуносларнинг Сутралар ва Виная бўйича шарҳ ва талқинлар). Булар ҳаммаси биргаликда Типитака дейилади. Дхарма буддизмнинг уч гавҳар донасидан биридир.

КАРМА (аъмол)

Аввал-бошда бу сўз шунчаки “аъмол” маъносини билдирса ҳам, сабабият концепцияси билан боғлиқ унга илгариги турли-туман аъмоллар натижасида ҳосил бўқлган яширин қувват сифатида қараладиган бўлди. Демак, яхшими ёхуд ёмонми, келажақда яхши натижага олиб борадими ёхуд ёмон, бундан қатъий назар, инсоннинг ҳар бир ҳаракати ва инсон истиқболига таъсир қилувчи бу қувват карма дейиладиган бўлди. Агар фақат хайрли ишлар қилинса, у яширинади ва унинг яширин қуввати ўша кишининг келажагига ижобий таъсир кўрсатади. Инсон аъмоллари уч қисмга-жисмоний, забоний ва маънавий аъмолларга бўлинади.

МАХАЯНА (Каттакон чарх)

Буддизм тарихида икки катта оқим — Махаяна ва Хинаяна белгиладилар. Махаяна буддизми Тибет, Хитой, Курия, Япония ва бошқа шимолий мамлакатларда, Хинаяна буддизми эса Бирма, Шри-Ланка (Цейлон), Тайланд ва бошқа жанубий мамлакатларда тарқалган. Махаяна “Каттакон чарх” дегани, у ўзига дунёдаги барча туғилувчи ва ўлувчи махлуқларнинг изтиробларини жо этади ва уларни айрималамай дили равшанлик сари етаклайди.

НИРВАНА (мутлоқ хотиржамлик ва фароғат)

Аниги, суниб қолмоқ дегани. Бу шундай ҳолатки, дили равшанлик ва тўғри ақл-идрок асосида ички кузатув туфайли инсондаги бутун мурдорлик ва эхтирослар батамом ғойиб бўлади. Бундай ҳолатга эришган кишиларни буддолар дейилади. Гаутама Сиддхартга 35 ёшида шунда ҳолатга эришади ва Буддо бўлади. Бироқ эндиликда у фақат ўлимдан сўнггина тўла хотиржамлик ҳолатига эришган деб ҳисобланади, чунки инсоннинг жисмидаги мурдорлик, у тирик экан, яшайверади.

ПАЛИ (тил)

Бу Хинаяна буддизм тилидир. Буддизмнинг бутун энг қадимги ақидалари шу тилда битилган деб тахмин қилинади. Бу тил санскритнинг лахжаси бўлгани учун, улар орасида тафовут унча катта эмас, Масалан, санскритча Дхарма, палича эса Дхамма, санскритда Нирвана паличасига Ниббана.

ПАРАМИТА (Шундай насаки, унинг ёрдамида қарама-қарши қирғоққа ўтиш мумкин)

“Шундай насаки, унинг ёрдамида қарама-қарши қирғоққа ўтиш мумки” — бу шундай воситаки, унинг ёрдамида инсон Буддо оламига эришади. Одатда 6 парамита санаб ўтиладики, саховат, ахлоқлилик, сабр-қаноат, шодлик, мушоада лаёқати ва ақл-идрок — булар инсонни туғилиши ва ўлиш оламидан дили равшанлик оламига олиб ўта олади. Баҳор ва куздаги японча хафталар шу буддоча тушунчадан келиб чиққан.

ПРАЖНЯ (Ақл-идрок)

Олти парамитанинг бири. Бу — инсоннинг ҳаётга тўғри муносабатда бўлиш ва ҳақиқатни гумрохликдан фарқ этишдаги маънавий лаёқати. Бу лаёқатга эга бўлган киши Буддо дейилади. Бинобарин, бу пок ва ёруғ, одатдаги инсон ақлидан афзал ақл-идрокдир.

САНГҲА (Буддо жамоаси)

Буддо жамоаси роҳиб, роҳиблардан, муайян аҳд боғлаган қавмдан ташкил топади. Илк даврда унга фақат гадоӣ роҳиб ва роҳибалар кирар эди. Кейинроқ, Махаяна буддизми ривожлангач, роҳиблардан ташқари, будхисатва ҳолатига эришмоқчи бўлган барча кишилар Сангҳага қўшиладиган бўлдилар. Бу — буддизмнинг уч дурдонасидан биридир.

САНСКРИТ (тил)

Бу — хинд-европа тиллари оиласига мансуб қадимги Хиндистоннинг мумтоз адабий тилидир. У веда ва мумтоз санскритга бўлинади. Махаяна

ақидалари буддо дурагай санскрити деб аталувчи услубда битилган.

САНСАРА (Такрор туғилишлар силсиласи)

Ўтмишдан хозир орқали келажакка ўтувчи ва туғилишнинг чексиз такороланиши олти даврада: инсу жинслар, қора иблис, жонивор, инсон, фаришта ва худо даврасида юз беради. Агар инсон дили равшанликка эришмаса, У қайта туғилиш чархпалагида бетиним айланишга маҳкум. Чархпалақдан озод бўлганларни Буддо деб атайдилар.

ПУНЬЯТА (бўшлик)

Буддизмнинг энг муҳим тушунчаларидан бири, унга кўра оламда ҳеч нарса моҳиятга эга эмас ва абадий эмас. Яъни ҳаммаси сабаб-оқибатга боғлиқ, ҳеч нарса моҳият касб этиб доимий бўла олмайди. Зеро, ҳамма нарсада моҳият бор, шунингдек, ҳеч нарсада моҳият йўқ деб қатъий ишониш мумкин эмас. Оламда ҳар қандай мавжудлик нисбийдир, ҳеч нарса мутлоқ бўла олмайди. Бу — Махаяна буддизмининг Пражня сут-расидаги асосий тушунча.

СУТРА (муқаддас битик)

Буддо панд-насихатларининг ёзма шаклда битилган. Аввал-бошда бу сўз илмий рисола ва хикматлар тўпламини англатган. Типатаканинг бири.

ТХЕРЕВАДА (Хинаяна)

Жанубдаги анъанавий буддопарастларнинг одатий хитоби. “Тхера” — катта дегани. Бу — кекса рохибларнинг тарихий гуруҳи, оқсоқоллар мактаби, улар Буддо ўғитларига катъий амал қилганлар. Бир мунча илғор фикрли рохибларнинг бошқўа гуруҳи уларга қарши борган (уларнинг кейинчалик Махаянада ривожланди, бу — шимолий анъана). Бундай тарқоқлик буддизм вужудга келган дастлабки пайтлардаёқ кўрина бошлаган, Буддо вафотидан бир неча аср ўтгач, ўша даврга кўра илғор рохиб Махадева Буддо ўғитларини беш тоифа бўйича бир мунча эркин оммалаштиришни талаб қилган. Бу охирида икки мактаб — Тхеравада ва Махасангхикага бўлинишга олиб келди. Махасангхика мактаби кейинчалик Махаяна таълимотини ишлаб чиқди.

ТИПИТАКА (уч сават)

Бу — буддизм муқаддас битиклари (Дхарманинг уч бўлими: 1) Буддо хикмат ва суҳбатларидан иборат Сутралар; 2) буддо жамоаси қадимги ақидаларидан иборат Виная; 3) метафизик муҳокамалардан иборат Абхидхарма. Кейинчалик атоқли хитой ва япон буддопарастларининг асарлари ҳам буддо ақидаларига киритилган. “Дхарма”га қаранг.

АНГУТТАРА НИКАЯ

Рохиблар, кўпчиликнинг қори қайри учун, кўпчиликнинг иқболи учун бу оламда бир инсон туғилди. Оламга ҳамдардлик учун, ахли само ва инсониятнинг қори хайри ва саодати учун туғилди у. Ким бу? Бу — Татхагата, Архат, бу Дили равшан. Рохиблар, бу — Ўша.

Рохиблар, бир инсоннинг бу оламда пайдо бўлиши жуда қийин. Ким бу? Бу — Татхагата, Архат, бу Дили равшан. Рохиблар, бу — Ўша.

Рохиблар, бу оламда камдан-кам учрайдиган инсон-бу-гайри оддий инсон. Ким бу? Бу — Татхагата, Архат, бу Дили равшан. Рохиблар, бу — Ўша.

Рохиблар, бир инсоннинг ўлими ҳаммани қайғуга солди. Ким бу? Бу — Татхагата, Архат, бу Дили равшан. Рохиблар, бу — Ўша. Рохиблар, бу оламда беназир инсон туғилди. Ким бу? Бу — Татхагата, Архат, бу Дили равшан. Рохиблар, бу — Ўша. Рохиблар, бир инсоннинг бу оламда туғилиши — бу назаркарада, бу — аъло нур, бу нур сели, Ким бу?

Бу — Татхагата, Архат, бу Дили равшан. Рохиблар, бу — Ўша.
(*Ангуттара Никая, 1-13*)

БУДДИЗМНИ ТАРҒИБ ҚИЛУВЧИ “БУДДО ТАЪЛИМОТИ” ЖАМИЯТИ ХАҚИДА

Буддизмни тарғиб қилувчи жамият ҳақида гап борганда, “Мишутё” ширкатининг асосчиси тужжор Эхан Нуматавинг номини эслаб ўтмаслик мумкин эмас.

У 50 йилдан кўпроқ вақт илгари аниқ ўлчов асбоблари ишлаб чиқариш ширкатига асос солди. Бошланган ишнинг муваффақияти само билан ер ва инсон ўртасидаги ўзаро ҳар томонлама муносабатга, инсон камолоти ақл-идрок, ҳамдардлик ва мардликка боғлиқ эканлигига қатъий ишониб, янги технология ишлаб чиқаришни ва инсон камолотини ўз олдига мақсад қилиб қўйди. У ишонадiki, фақат инсон камолоти туфайлигина халқаро иқтинчликка эришиб мумкин ва бунинг учун энг мованд дин буддизмдир.

Шунинг учун 50 йилдан кўпроқ давр давомида ширкатни бошқариб, буддизмни тарғиб этиш мақсадида буддоча мусиқа, рассомлик ва таълимотли оммалаштириш, модернизация қилишга кўп куч сарф қилди. Халқаро тинчликни мустаҳкамлаш ишига ўз хиссасини қўшиб учун 1965 йилда ўз хисобидан маблағ ажратиб, буддизмни оммалаштириш ишларини ягона ташкилотга бирлаштирди.

Ижтимоий тапшкilot сифатида Буддизмни тарғиб қилиш жамиятига шу тарзда асос солинган эди. Буддо таълимотини чор атрофга ёйиш учун, ер юзидаги одамларни олий ақл-заковат ва олий ҳамдардлик нури билан бахраманд этиш учун нима қилмоқ керак? Буддизмни тарғиб

қилиш жамияти олдида, унинг асосчиси истагандек, бу саволга жавоб топиш вазифаси турибди.

Бопқача қилиб айтганда, Буддизмни тарғиб қилиш жамияти буддизмни оммалаштириш буйича барча ишлар билан шуғулланимоқда Жамият истайдики, ўзининг узоқ тарихида, хусусий муқаддас битигига эга бўлмаган, илло буддо маданияти билан фахрланувчи япон халқи учун “Буддо таълимоти” китоби ҳақиқий муқаддас битик бўлсин.

Зеро, бу китоб ҳар бир киши уни ўқиб, ўзи учун лиммо-лим маънавий озиқ олсин, ҳар бир кишининг кўзи ўнгида турувчи, сафарда ишончли йўлдош бўлсин, ҳар бир киши Буддонинг улугвор шахсияти билан таниша билсин деган мўлжал билан яратилди.

Жамият истайдики, китоб билан мумкин қадар кўпроқ одам танишиши учун, у имкон қадар ҳар бир хонадонга кириб борсин. У истайдики, токи ер юзида ҳар бир киши Буддо таълимоти билан танишадиган кун тезроқ келсин.

